



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 87 (13.934)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА GERMANIA – ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛАР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май кунни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий воқеалари 28 май кунни Кўксарой қароргоҳида бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Франк-Вальтер Штайнмайер тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Германия Президенти ва халқини тарихий сана – ГФР ташкил топгани ҳамда Бош қомуси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан табриклади.

Германия Федерал Президенти давлатимиз раҳбарига мамлакатимизга таклиф ва кўрсатилётган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида изчил сиёсий мулоқот йўлга қўйилган. Франк-Вальтер Штайнмайер ГФР ташки ишлар вазири сифатида 2006 ва 2016 йилларда ҳам юртимизга келган. Бу галги ташриф дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳамфикрлик ва тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида мустаҳкамлашга ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Сиёсий соҳада мамлакатларимиз БМТ, ЕХТК каби халқаро ташкилотлар доирасида глобал ва минтақавий масалалар бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Германиянинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоллигига интилишини қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги фаол алоқалар Ўзбекистон – Германия ҳамкорлигининг муҳим қисмини ташкил этади.

Германия Ўзбекистоннинг минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда тиңчилик ўрнатиш жараёнига қўллаб-қувватлаш, шериқлик алоқаларини бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Мулоқотда томонлар халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этишини билдирди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Президентлар Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий, инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон – Германия маслаҳатлашувлари механизмининг йўлга қўйилишини маъқуллашди.

Мамлакатларимиз ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ўзаро тажриба алмашишда парламентлар муҳим ўрин тутаятгани таъкидланди. Бу борада 23 май кунни Тошкентда ўтказилган конституцион тизим ва парламентаризм бўйича Ўзбекистон – Германия форуми ҳар жиҳатдан фойдали бўлгани қайд этилди.

Музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, шериқлик алоқаларини истиқболли ташаббуслар ва лойиҳалар билан бойитиш, янги кооперация шакллари ва механизмларига ўтиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда Германия компаниялари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари алоҳида назоратда экани таъкидланди. Мамлакатимизга инвестиция киритаятган бундай компаниялар учун энг кўп қулайликлар яратишга тайёрлик билдирилди.

Германияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли машина ва ускуналар, кимё ва фармацевтика товарларига мамлакатимизда талаб катта. Ўзбекистон Германия базорига қишлоқ хўжалиги, нефть-кимё маҳсулотлари ва бошқа харидорлар товарлар етказиб беришга тайёр. Мамлакатимизнинг экспортчи компаниялари Германияда ўтказилаётган "Яшил ҳафта", "Озик-овқат ва логистика" каби нуфузли кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб, ҳамкорлик доирасини кенгайтиришмоқда.

Музокараларда бу борадаги янги имкониятлар муҳокама қилинди, ўзаро манфаатли таклифлар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Германия сармояси иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 160 тадан ошди. Шундан 42 та фирма ва компания тўлалигича хориж капитални ҳисобига тузилган. 2018 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 25 фоиз ўсиб, 770 миллион доллардан зиёдни ташкил этади.

Жорий йил январь ойидаги ташриф чоғида эришилган келишувлар натижада Германия компанияларининг Ўзбекистон билан инвестициявий ҳамкорликка қизиқиши ортиб бораётгани таъкидланди. Айни пайтда мамлакатимизда дунёга машҳур Германия компаниялари билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "MAN" компанияси билан замонавий юк автомобиллари, "Claas" ва "Lemken" компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникаси, "Knauf" билан қурилиш материаллари, "Deutsche Kabel" билан кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мухтаassisлар иштирокида Қарши – Термиз темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Мунтазам равишда молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича ҳуқуматлараро ички гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Туризм соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда Германиядан юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони 4 баробар ошди, 2018 йилда 20 минг кишига етди. Жорий йил 15 январдан Германия фуқаролари учун 30 кунлик визасиз тартиб жорий этилгани немис сайёҳлари сонини янада кўпайтиришга туртки беради.

Германияда соғлиқни сақлаш соҳаси юксак ривожланган. Ушбу соҳадаги ҳамкорлик доирасида Тошкент шаҳрида "Epsilon" компанияси билан биргаллик замонавий онкология клиникаси ва реабилитация маркази, Тошкент вилоятида "Opasca" компанияси ва Мангейм университетини клиникаси билан биргаллик онкология клиникасини қуриш каби муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу кунгача Германия билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш соҳасида 32 миллион долларга тенг дастурлар ҳаётга татбиқ этилди, ўзбекистонлик мухтаassisлар ушбу мамлакат клиникаларида мунтазам малака оширмоқда.

Ўзбекистонда немис миллатига мансуб 8 мингдан зиёд фуқаро яшайди. "Видергебурт" немис маданият маркази, "Ўзбекистон – Германия" дўстлик жамияти немис маданияти ва аъёналарини сақлаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшишмоқда. Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим институтларига айланган.

Маданият ва таълим соҳаларида самарали алмашувлар йўлга қўйилиб, минтақалараро ҳамкорлик доирасида Тошкент ва Берлин, Бухоро ва Бонн ҳамда икки мамлакатнинг бошқа шаҳарлари ўртасида кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон ва Германиянинг кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак экани, барча масалалар бўйича қарашлари ўхшаш ва яқинлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон ва Германия Президентларининг музокаралари якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Ахборот алмашиш ва уни химоя қилиш, зарарли газлар чиқарилишини камайтириш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш, "Volkswagen" компанияси билан ҳамкорликда тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш тўғрисида ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу келишувлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Германиянинг "Integra GmbH" ва "Vamed Engineering GmbH" компаниялари ўртасида Тошкент шаҳрида Ядровий тиббиёт ва нури терапия марказини ташкил этиш бўйича тузилган битим халқимиз учун катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Оммавий ахборот воситаларини вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар аънавий дўстлик, очкилик ва ўзаро англашув руҳида ўтганини қайд этиди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз халқаро майдонда ишончли, муҳим ва узоқ муддатли ҳамкорлар саналишини, кўп қиррали Ўзбекистон – Германия муносабатларини янада жадаллаштиришдан томонлар бирдек манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон томони жорий йил январь ойида Берлинда ўтган учрашувнинг мантиқий давоми бўлган бугунги музокаралар натижаларидан тўла мамнуният изҳор этади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча йўналишлари – сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа қўллаб соҳаларга доир масалалар атрофида кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳар томонлама таҳлил қилиниб, устувор йўналишлар ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Федерал Президент учрашувда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислохотларнинг истиқболлари ҳамда ушбу янгиланишлар Ўзбекистон – Германия муносабатларига бағишлаган юқори суръат батафсил муҳокама қилинганини таъкидлади. – Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўсиш рўй бераётганга гувоҳ бўлиб турибмиз ва бу бизни қувонтиради. Германиядан нуфузли делегация жавоб ташрифи билан келгани, музокаралар самарали ўтиб, муҳим келишувларга эришилгани, муҳокама этилган барча масалалар юзасида Ўзбекистон раҳбари билан фикримиз бир жойдан чиққани ҳамкорликни кенгайтиришга икки томонда ҳам интилиш кучли эканидан далолат беради. Биз фақат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар эмас, балки Европа Иттифоқи доирасидаги шериқлик масалаларини ҳам атрофича муҳокама қилиш имконига эга бўлдик. Бугунги ташриф Ўзбекистондаги янги сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлашимизнинг ифодасидир. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги, истиқболли порлоқ босқиннинг остонасида турибмиз, – деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Куннинг иккинчи ярмида ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонидаги ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди.

ГФР Президенти Ўзбекистон ва Германия ишби-

лармон доиралари вакиллари йиғилишида иштирок этди.

Германия саноат ва технологиялар ривожини бўйича жаҳонда илгор давлатлардан бири саналади. Бугунги кунда автомобилсозлик, кимё, электротехника, авиакосмик соҳа, қурилиш ва озик-овқат саноати Германия иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминловчи асосий тармоқлар бўлиб келмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида тузилган корхоналар, ушбу мамлакат фирма ва компаниялари ваколатхоналари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Германиянинг қатор банклари билан алоқа ўрнатган, Тошкентда "Дойче-банк" бўлими ташкил этилган.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислохотларни диққат билан кузатиб бораёямиз. Мамлакатимиздаги инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, илгор тажриба ва инновациялар билан ўртоқлашишга доимо тайёрмиз, – деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Йиғилишда Ўзбекистон ва Германия тадбиркорларининг турли соҳаларда кўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш масалалари муҳокама қилинди. Энергетика, нефть-газ кимёси, ахборот технологиялари, банк-молия, транспорт, атом энергетикаси каби соҳаларда шериқлик алоқаларига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Франк-Вальтер Штайнмайер пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Вакан Тек" масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди.

Германиянинг "Тручлер", "Зенцер", "Саурер" каби етакчи компаниялари технологиялари билан жиҳозланган корхонада пахтадан юқори сифатли ип-калага ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 52 миллион доллар бўлган корхонада 2018 йил якунига қура, 9,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Жорий йилнинг ўтган даврида 5 минг 770 тонна пахта толасидан 4 минг 800 тонна ип-калага ишлаб чиқарилиган, 13 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Олий мартабали меҳмон пахта толасидан ип-калага ишлаб чиқариш, қадоқлаш ва экспортга йўналтиришга бўлган жараён ҳақидаги видеоролик билан таништи, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти талабалари билан сўхбатлашди.

Германия Президенти Тошкентдаги Гёте институтида бўлиб, Йоханн Вольфганг Гёте хайкалининг очилиш маросимида қатнашди.

Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонда Гёте сиймосига эҳтиром мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янги руҳда давом эттиришга, маданий-маърифий алоқаларнинг янада мустаҳкамлашишига ҳизмат қилишини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Тошкентдаги Гёте институти фаолияти билан таништи.

Бугун Ўзбекистонда Германия академик алмашувлар хизмати, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар ваколатхоналари, Немис халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик бўйича институти каби ГФРнинг қўллаб-қувватлаш имконияти бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиздаги 1 минг 842 мактабда 377 мингдан зиёд ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. Айни пайтда ўзбекистонлик 700 дан ортиқ талаба, илмий тадқиқотчи Германия олий таълим муассасаларида таълим оляпти.

Тошкентдаги Гёте институтининг асосий мақсади немис тилини ўргатиш, халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ҳозирги кунда институтининг тўл қўл қилинган мактабларида 4 мингдан зиёд оқшомлик немис тилини ўрганмоқда.

Франк-Вальтер Штайнмайер институтида тил ўрнаётган ёшлар, маданият ва санъат намояндалари, илмий доиралар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан сўхбатлашди.

Федерал Президент икки ҳамюртимиз – Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси таржимонни Муқаррам Каримова ва Маргилон шаҳридан немис тили ўқитувчиси Лидия Осинани "Bundesverdienstkreuz" ("Германия Федератив Республикасида кўрсатган хизматлари учун") ордени билан мукофотлади.

Ҳамюртларимизнинг бундай юксак мукофот билан тақдирланиши нафақат уларнинг икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожига қўшган ҳиссаси, балки давлатлараро муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларининг ҳам эътирофидир. Тақдирлаш маросими Германияда Ўзбекистон билан алоқаларга охида эътибор билан қаралиши, ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида фаолият кўрсатаётган вакилларимиз юксак кадрланишидан яна бир далолат бўлди.

ГФР Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

## АСОСИЙ МАҚСАД – МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май кунни илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Унда 24 май кунни Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлган учрашувда айтилган таклифлар ва долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ушбу учрашувда давлатимиз раҳбари илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга доир таклифларни муҳокама қилиш учун махсус майдон яратиш мақсадида Республика фан ва технологиялар кенгаши ташкил этилиши таклиф қилган, олимлар бундан қўллаб-қувватлаган эди.

Йиғилишда мазкур кенгашнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, соҳага оид давлат дастурларини шакллантириш ва марказлашган тартибда молиялаштириш орқали илм-фани тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган иختисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш бўйича топшириқлар берилди.

Иқтисодиётда юқори самара берадиган ва ижтимоий масалаларни оқилона ҳал этишга қаратилган йўналишлар белгилаб, уларни ривожлантиришга масъуллар бириктирилди.

Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети негизда илмий мактаблар яратиш, нанотехнологиялар, материалшунослик, яримўтказгичлар физикаси, биофизика ва биохимия, биотехнологиялар бўйича олимлар янги авлодини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, олимлар билан учрашувда тўғта йўналиш бўйича до-

имий комиссиялар тузишга келишиб олинган эди. Бу галги йиғилишда мазкур комиссияларнинг вазифалари, комиссия аъзоларининг иш тартиби ва масъулият доираси белгиланди.

Биринчи комиссия илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини доимий таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатади.

Иккинчи комиссия олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ҳамда таълим сифатини таҳлил қилади ва унга баҳо беради.

Учинчи комиссия олий ўқув юрларидаги маънавий-маърифий ишлар, 5 ташаббуснинг амалга оширилишини таҳлил қилади.

Тўртинчи комиссия олий таълим ва илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларга эришган хориждаги ватандошларимизни юртимизда мухтаassisлиги бўйича фаолиятга жалб қилиш билан шуғулланади.

Бу ишлардан асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш. Қуруқ хом ашё ва уни қайта ишлаш билан узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, таянчи бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Академик олимлар, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, талабаларга замонавий шарт-шароит яратиш, улар орасидан бўлажак илм-фан вакиллари топиб, камолга етказиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда илм-фани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA KORRUPTSIYA GA QARSHI KURASHISH TIZIMINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH CHORATADBIRLARI TU'GRISIDA

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муроасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислохотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари химоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очкилигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислох қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар: **2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ;

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси** (кейинги ўринларда – Идоралараро комиссия)нинг янгиликлар таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқсин ва Идоралараро комиссия билан келишиб олсин.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Идоралараро комиссия икки ой муддатда коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастурини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарига муҳокама қилиш ва қелишиш учун киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссияларини ташкил этиш тавсия қилинсин, уларнинг зиммасига:

а) жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш;

б) жойларда коррупция кўринишлари намоеён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тақдир қилинган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юклансин.

4. Белгиланган кўрсаткич:

а) коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда кўйилганлардан иборат:

б) давлат ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

в) давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, таққилоқлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

г) давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

д) коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ҳабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш; аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

е) давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш; фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

ж) идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очкилиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қондаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олиншини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган дав-

лат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди;

ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича тақдир қилинишни киритади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда:

а) ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб таътиб қилсин;

б) умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулк ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича тақдир қилинишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Идоралараро комиссия (Н.Т.Йўлдошев):

а) 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тарихида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга оширишни ташкил қилсин, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий қилсин;

б) ҳар йили 1 апрелга қадар тегишли соҳаларда "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бirlашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат даурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Идоралараро комиссияга ахборот киритилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда - Махсус комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

11. Кўйилган махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлла-нилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

б) коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан, ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш;

в) коррупцияга қарши курашиш ва мазкур соҳада идоралараро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, коррупция кўри-

нишларини содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилаётган механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш;

г) коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш.

12. Махсус комиссия (З.Ш.Низомиддинов):

а) бир ҳафта муддатда ўрганишнинг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларнинг таркибларини ҳамда уларнинг иш режаларини тасдиқласин, шунингдек, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини ташкил қилсин;

б) 2019 йил 1 сентябрга қадар: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инobatта олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича тақдир қилсин;

в) коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган, шу жумладан, кўйилганларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар бўйича "Йўл харитаси" лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;

д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш;

е) қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлар ва "ишонч телефонлари"дан улар фаолиятининг очкилигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари устидан доимий мониторингини амалга оширсин;

б) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ушбу Фармоннинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда, шу жумладан, чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг қўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини доимий асосда амалга ошириб, уларда таниқли олимлар, давлат органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг чиқишлари назарда тутиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувларда уларнинг иштирокини таъминласин;

в) мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот бериб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақдир қилсин.

15. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 май



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташаббуси билан Андижон вилояти Андижон шаҳрида "Биргаликда кучлимиз" шиори остидаги "Сержантлар форуми" ташкил этилди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида ўтказилаётган тадбирлардан бири бўлган Сержантлар форуми Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари тизимида хизмат қилаётган сержантлар билан доимий ҳамкорликни ўрнатиш, янги инновацион ғоя ва фикрларни амалиётга татбиқ этиш, келгусидаги вазифа ҳамда топшириқларни биргаликда бажариш, ўзаро бирлашиш мақсадларига қаратилгандир.

Жиззах вилоятида 2019 йилнинг ўтган даврида 137 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 368,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. 1 минг 337 та янги иш ўрни яратилди. Бу ҳақда "Вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борадаги инвестиция лойиҳалари" мавзусидаги матбуот анжуманида маълумот берилди.

Андижон давлат университетидеда "Жет-тисув" халқаро маркази иш бошлади. Марказ университетнинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланади ва Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари қонунлари, таълим соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда ҳар ихкаа олий ўқув юртининг низоми асосида фаолият кўрсатади.

Наманганда "Ўзбекистонда манзарали гуллар хилма-хиллиги: муаммолар ва ютуқлар" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Наманган муҳандислик-технология институти ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Гулчиликни ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Россия, Эрон, Ҳиндистон каби хорижий давлатлар ва мамлакатимиздаги нуфузли илм-фан муассасаларидан академиклар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрантлар, иқтидорли талабалар, соҳадаги компания, корхона ва муассасалар мутахассислари иштирок этди.

Жаҳон хунармандлар кенгаши (WCC)нинг Осиё – Тинч океани минтақаси бўйича президенти Гада Каддуми Самарқандга ташриф буюрди.

ЖАҲОНДА

Перу шимолидаги Сарамантин округида 8 балли zilzila содир бўлди. Табиий офат натижасида бир киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар жароҳатланди, 50 дан ортиқ бинолар, жумладан, мактаблар, черков ва касалхоналар вайрон бўлди. Ушбу ер қимирлаши Перуда 2007 йилдан буён энг кучли zilzila сифатида эътироф этилмоқда.

Жаҳондаги энг нуфузли "Формула-1" автопойғаларининг Монте-Карлода бўлиб ўтган Монако Гран-приси мусобақаларида "Мерседес" жамоаси вакили Льюис Хэмилтон ғалаба қозонди.

Японияда энг кекса эр-хотин сифатида қайд этилган оиланинг бир аъзоси – 108 ёшли Масао Мацумото юрак хуружи оқибатида Такамацу шаҳрида вафот этди. У аёли 106 ёшли Нияко Мацумото билан 81 йил 201 кун бирга яшаган. Мацумото-лар 2018 йилда сайёрамиздаги энг кекса жуфтлик сифатида Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилган бўлиб, улар норвегиялик эр-хотин Карл (106 ёш) ва Гурдрен Дольвен (104 ёш)ни орта қолдириб, рекордни янгилашган эди.

ҚИСҚА САТРАПДАРДА

Миллий матбуот марказида "Ўзгросаноат ҳолднинг" АЖ томонидан "Утқирокчи сифатида эришилган тажриба, натижа ва белгиланган устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

"Ёшиллик" талабалар шаҳарчасидаги "Ёшлар" марказида шахримиздаги 23 та миллий маданий марказлар бадий ҳаваскор жамоалари, ёш ижрочилар ва Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт дастури уюштирилди.

Ёзги таътилда Тошкент шаҳридаги мактабларда оромгоҳлар ташкил этилади.

Сергели туманида "Бек мега текстил" компаниясининг тикув, тўқимачилик, бўяш ва пардозлаш цехи иш бошлади.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугун дунёда хизматлар соҳасини энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, 2019 йил январь-апрель ойда хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 17 697,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 115,2 фоизини ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатишмоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажмини оширишга таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45,5 фоиз ўсиб, 5 087,7 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 28,7 фоизни ташкил қилади). 2019 йил январь-апрель ойда транспорт хизматлари ҳажмини оширишга таъсир қилган омилларидан бири йўловчи

ва юқларни ташкил хизматларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (58,1 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юқларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшиккача" етказиб беришда қулайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технология хизматларининг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ошишига таъсир кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 фоиз ўсиб, 1 544,9 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 8,7 фоизни ташкил қилади).

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

GERMANIA BIZNES ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ БИЛАН ТАНИШТИРИЛДИ

Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг юртимизга расмий ташрифи доирасида 28 май кун Тошкент шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доира вакиллари иштирокида бизнес-брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов олиб борди.

Германия иқтисодийнинг саноат ва технология тармоқлари бўйича жаҳонда илғор давлатлардан бири саналади. Мамлакат товар экспорт қилиш ва хом ашё импорт қилиш бўйича ҳам дунёда етакчи ўринларда туради.

Брифингда қайд этилганидек, юқори иқтисодий салоҳиятга эга Германия билан ўзаро савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқаларни кенгайтиришда мамлакатимизнинг бой табиий захиралари, инсон капитали, тармоқларга эга инфратузилмаси, қулай инвестиция муҳити асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари молия, инвестиция ва ташқи савдо, туризм, саноат, транспорт логистикаси каби қатор соҳаларда мавжуд салоҳият, яратилган имкониятлар,

янги лойиҳалар бўйича тақдиротлар ўтказди. Германиялик ишбилармонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликларга катта қизиқиш билан қарамоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Одилбек Исоқов. – Бугунги бизнес-брифинг доирасида Германия бизнес вакиллари мамлакатимизнинг макроеқтисодий ривожланиши, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар, хорижлик ҳамкорлар учун яратилаётган имкониятлар, хусусан, давлат-хусусий шериклиги соҳасидаги янгиликлар билан ҳам яқиндан таништирилди. Маълумки, мамлакатимизда "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги янги қонунга биноан 15 га яқин янги лойиҳа дастурга киритилган бўлиб, улардан бири қуввэлектростанцияларини бунёд этишни кўзда тутди. Ушбу лойиҳага ҳам немис компаниялари қизиқиш билдирмоқда.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА муҳбири

**2019 йил 28 май кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.**

Тақдим этилган ҳисобот палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида, сиёсий партиялар фракцияларининг ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, парламент қўмиталарининг мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси юзасидан ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров тақдим этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг иқтисодий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотлар ижроси 2018 йил давомида иқтисодийнинг барқарор, мувозанатли шартларда ривожланиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади. Шунингдек, валютасиёсатини либераллаштиришни янада қўрқатирилган ва ташкир савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётига ҳорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бунинг натижасида, 2018 йил якунига қўра, мамлакатнинг янги ички маҳсулот (ЙИМ) 407,5 триллион сўмни ташкил этган ҳолда 2017 йилдагига нисбатан 5,1 фоиз ўсди. ЙИМ ўсиш суръатига саноат тармоғи энг катта таъсир кўрсатди (2,1 фоиз). Хизматлар соҳасининг ижобий таъсири эса 1,8 фоизни ташкил этди. Қурилиш ишлари ҳамми ўтган йилдагига билан таққослаганда 9,9 фоиз ўсди ва ЙИМнинг мулк ۋисшида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,5 фоиз даражасида баҳоланди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалигида 0,3 фоиз даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЙИМ мулк ۋисши суръатига таъсири 0,1 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилги ижросида иқтисодий соҳаларни янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва уларнинг иқтисодий ҳимоясини таъминлаш борасидаги масалаларнинг молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди. Жумладан, ҳисобот даврида аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар Давлат бюджетининг 53,8 фоизини, яъни ЙИМга нисбатан 10,5 фоизни ташкил этди.

2018 йилда аҳоли умумий даромадлари 286,3 триллион сўмни ташкил этди ва 2017 йилдагига нисбатан 110,3 фоиз реал ўсиш суръатига эришилди. Йил якунига қўра, республикада ташқи савдо айланмаси 33,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, 2017 йилдагига нисбатан 27,3 фоиз ўсди.

2018 йил давомида Давлат бюджетни даромадлари 79 триллион 99 миллиард сўмни ташкил қилди ва 2017 йилдагига нисбатан 59,2 фоиз ўсди ҳамда белгиланган 62 триллион 500 миллиард сўм режа 16 599,0 миллиард сўм ортиги билан (126,6 фоиз) бажарилиди. Ўз навбатида, Давлат бюджетни даромадларининг Янги ички маҳсулотдаги улуши 19,4 фоизни ташкил қилди.

Депутатлар иқтисодиётни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор қонунлар, мамлакатимиз Президентининг Фармон ва қарорлари, давлат дастурлари қабул қилиниб, улар бугун амалиётга муваффақиятли жорий этилаётганини, шунингдек, иқтисодий соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгица маъно-мазмундаги ислохотларни юритиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини эътирф этдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 июндаги маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти орган-

ларининг ваколатларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини оширишга қаратилган Фармон ва қарорларининг ижроси натижасида ўтган йилда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми прогнозага нисбатан 124,3 фоиз бажарилиган.

Ҳукумат ҳисоботи юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари ўш нуктага назарни баён қилди.

Хусусан, "Адолат" СДП фракцияси вакиллари ўзларининг асосий йўналишларидан бўлган соғлиқни сақлаш соҳасига 2018 йилда Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 9,4 триллион сўмни ёки иқтисодий харажатларга ажратилган маблағларнинг 21,9 фоизини ташкил этганини ижобий баҳоладилар. Лекин соҳадаги айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, бу борада Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар йил сайин ўсиб бораётган бир шартда, Президент томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижроси учун режалашти-

барқарорлиқни таъминлаганини қайд этдилар. Шу билан бирга, маданий мерос объектларини таъмирлаш ва тиклаш мақсадларига қаратилган харажатларни маҳаллий бюджетлар ҳисобига қўйиштириш зарурлиги таъкидланди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хусусан, замонавий хизмат турларини кенгайтириш, туризм соҳаси салоҳиятини кенг фойдаланишни жадаллаштиришга йўналтирилган маблағларни қўзда тутивчи параметрлар келтирилганини инобатга олиб, келгусида тақдим этиладиган ҳисоботларда ишбу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ЎзЛиДеп электоратининг манфаатлари ҳамда сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни рўйб-га чиқариш нуктага назардан таҳлил қилинди. Унда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш борасидаги чора-тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича қўрилган чораларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, фракциянинг бир қатор тақлифлари илгари сурилди. Жумладан, ҳудудларда фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш юзасидан тақлифлар берилди. Фракция аъзоларининг фикрича, реал иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига пасти рентабелли, иқтисодий ночор давлат қорхоналарининг хусусий мулкдорларга, энг аввало, профессионал хорижий инвесторларга сотилиши бўйича қўшимча чораларни қўриш, хусусий мулкни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун хом ашё ресурсларини очик биржа, ярмарка-савдо доларида сотиш ҳажмларини кенгайтириш чораларини қўриш ҳамда шу орқали уларнинг харид имкониятларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари эса ҳисобот даврида Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни бартараф этиш учун маблағларнинг ажратилиши ҳамда сарфланганини ижобий баҳолаган ҳолда, Ҳукумат томонидан олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, ҳали ўш ечимини қўтаётган масалалар ҳам борлигига эътибор қаратдилар. Жумладан, тегишли қонун ҳужжатларига асосан, ўсимлик дўнеси ва ҳайвонот дўнеси объектларининг давлат кадастрини ҳамда ўсимлик дўнеси ва ҳайвонот дўнеси объектларининг давлат ҳисобини юритишга доир ишларни маблағ билан таъминлаш Давлат бюджетни ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, аммо бугунги кунда ушбу ишлар учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратилмаётгани танқид қилинди.

Депутатлар парламент аъзолари томонидан жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш жараёнида Давлат бюджетни маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ҳудудларда иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳали ечимини қўтаётган масалалар борлигига ҳам эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида жойларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамалар давомида депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўш вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини қўчатириш, бунинг учун халқ депутатлари тегишли Кенгаши билан ҳамкорлик қилиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурлигини таъкидладилар.

Маҳаллий якунларига қўра, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар парламент Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

**Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2018 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИНИ КўРИБ ЧИҚДИЛАР**

рилан 121,7 миллиард сўм маблағлар ўзлаштирилиши таъминлангани фракция аъзоларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Фракция аъзолари Бюджет маблағларининг ўш вақтида ўзлаштирилгани тизимдаги ислохотлар самарасига таъсир ўтказётганини ҳисобга олиб, бу каби масалаларни вақтида ижобий ҳал этиш зарур, деб ҳисоблашгани маълум қилдилар. Шу билан бирга, депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишлари асосида тез тиббий ёрдам хизматларини алоқа востисталари билан тўлиқ таъминлаш, фуқароларнинг ягона электрон тиббий хараитисини яратиш, "Электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизимини барча ҳудудда қисқа муддатларда жорий қилиш ишларини якунлаш ҳам долзарб масала экани қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг 2018 йилги ижросига доир ҳисоботда иқтисодий соҳаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва иқтисодий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тадбирларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини эътирф этди. Ҳисобот даврида иқтисодий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 42 883,3 миллиард сўм ёки умумий харажатларнинг 53,8 фоиз миқдорда маблағ сарфлангани бевосита Ўзбекистон ХДПнинг электорати манфаатларига мос келади. Шу билан бир қаторда, ҳисобот даврида ханузгача Давлат бюджетни соҳасидаги муносабатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу билан бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатиш муаммоси сақланиб қолаётгани, мазкур йўналишда сезиларли ижобий натижаларга эришилганини қўрсатиб ўтилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари 2018 йилда иқтисодий янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, уни диверсификация қилиш, таркибий ўзгариш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илгор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш миллий иқтисодийнинг экспорт салоҳиятини ва рақобатдошлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаб, булар, ўш навбатида, иқтисодийнинг юқори ўсиш суръатларини ва макротиқисодий

**Одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, судлар мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар барқарор тағзимни вазифасини ўтамоқда.**

**ГУВОҲЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислохот қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини қўчатириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тегишли йўналишларда муҳим дастуруламал бўлди. Шунингдек, 2019 йил 14 январда "Жабранувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасини қонуни қабул қилинди. 2019 йил 2 майда эса Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун Президент томонидан имзоланди.

Мазкур ҳужжатлар, қўлланилган қонун-тадбирлар бир-бирига муштарак равишда жамиятимиз ҳамда фуқаролар ҳаётида адолат ва ҳақиқат принциплари устувор бўлишининг ишончли гарови, амалга келтирилди.

Эзулар пайдо бўлиб, ёзма шартномалар бошлангунга қадар ҳақиқатнинг аниқлигини учун ягона имкониёт гувоҳлар эди. Гувоҳларнинг биринчи сўзи боис томон айбдор ёки айбсиз деб топилди, оқлангани ёхуд қораланиши, ҳибсга олиниши, энг асосийси омон қолиши ёки қатл этилиши мумкин эди.

Гувоҳ, энг аввало жиноий ишни суриштириш ва ҳал этиш учун жабрланаётган ҳолатлардан хабардор судда кўрсатма берадиган шах-

сдир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 65-моддасига қўра, жиноят ишлари бўйича аниқлигини лозим бирор ҳолатни билиш мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатма бериш учун қа-қарилиши мумкин.

Шубҳасиз, ҳар бир киши гувоҳ сифатида қонунчиликда кўзда тутилган қатор ҳуқуқларга эга. Жумладан, гувоҳ жиноий ишларни кўриш жараёнида ўзига, умр йўлдоши ва доираси жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришни рад этиши мумкин. Гувоҳ кўрсатма беришга розилик берган тақдирда у ўш кўрсатмалари жиноий иш бўйича далил сифатида фойдаланиши мумкинлигидан оғохлантирилиши шарт. Ушбу ҳолат гувоҳ кейинчалик ўш кўрсатмасини рад этган тақдирда ҳам сақланиб қолади.

Шунингдек, гувоҳ ўш тили ёки ўзи эгаллаган тилда кўрсатма бериш, таржимон ёрдамида бепул фойдаланиш, сўроқда қатнашаётган таржимонни рад этиш ҳуқуқларига ҳам эга. Жиноят-процессуал қонунчиликда кўзда тутилган хавфсизлик чоралари кўрилиши тўғрисида илтимоснома билдириш ҳам гувоҳнинг ҳуқуқидир.

Юқорида таъкидланганидек, гувоҳ муайян ишни ҳал этувчи кўрсатма беришга қодир шахс. Бинобарин, ҳаққоний гувоҳлик ҳақиқатдан оғох бўлишининг, адолат тантана қилишининг ишончли пойдеворидур.

**Ислом ИБАДУЛЛАЕВ, ИИВ Академияси курсанти**

**Огоҳлик – давр талаби ОДАМ САВДОСИ – ДАВР МУАММОСИ**

**Олмазор тиббиёт коллежида "Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтиришга қаратилган "Одам савдоси – давр муаммоси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

Тадбир Тошкент шаҳар ва Олмазор туман Идорааларо комиссиялари, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла кенгаши, бандликка қўмаклашиш маркази туман бўлимлари ҳамда мазкур тиббиёт коллежи ҳамкорлигида ташкил этилди.

– Туманимизда одам савдосига қарши кураш бўйича Идорааларо туман комиссияси тузилган бўлиб, унинг таркиби, иш режаси ҳамда Низоми тасдиқланган ва комиссия аъзолари томонидан тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари изчиллик билан олиб борилмақда, – дейди Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Омила Арипова. – Бугунги кунда одам савдосидан оғох бўлиш барчага дахлдор муаммо. Негаки, ёш қўшимчиси ёки қариндошимиз, дўстимиз, ўғил-қизларимиз таърибаёзилги ортидан ана шундай қалтис ўйларни гирдобига тушиб қолиши мумкин. Халқаро уюшган жиноятчилик домига тушиб қолган инсонлар ҳаёти, умри, саломатлиги масалалари ҳеч нарсадан тап тормаётган қотиллар учун ҳеч гап эмас. Улар раҳм-шафқат, инсонпарварлик, иймон ва эътиқод сингари умумбаъшарий қадриятлардан йироқ кишилар ҳисобланади. Тинчлик, ўзаро ҳурмат, элпарварлик, оиласеварлик, болажонлик сингари гўзал қасиқлар кадр тоглан жамиятимизга ҳар хил ёт, манфур оғохлар ва харажатлар кириб келишининг олдини олиш, аҳолини оғохликка қорлаш барчамизнинг асосий вазифамиз ва бурчимиздир.

Дарҳақиқат, одам савдосига қарши курашишда, аҳоли айнакиса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфли оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқароларни мавжуд ҳолатдан оғох этиш муҳим аҳамият касб этади.

Олмазор туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан тумандаги мавжуд барча маҳаллалар, қорхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида "Одам савдоси – давр муаммоси", "Жиноятчиликнинг олдини олиш", "Ҳуқуқбузарликка барҳам берамиз", "Ватан олдидаги бурчимиз", "Оила мустаҳкамлиги – юрт тинчлиги", "Тўри оқимларга қарши биргаликда курашамиз", "Ёшлар – келажакимиз" мавзуларида бир қанча тадбирлар, учрашувлар ва давра сўхбатлари мунтазам равишда ўтказилиб келинмақда.

Ўтказилаётган ҳар бир тадбир негизда юрт фаровонлиги ва халқ қорига хизмат қиладиган илгор оғохлар, келажак авлодининг бахтли ҳаёти йўлидаги дастуруламал мақсадли лойиҳалар, оилаларнинг мустаҳкамлиги ва оқилолиги йўлида қилинаётган эзу ҳамда мақсадли ишлар дастурлари жамланмаси мавжуд.

Зеро, эзгуликка хизмат қиладиган ҳар бир иш негизда халқимизнинг бахтиёр ҳаёти, ёрқин истиқболли келажак муҳасамдир.

Тадбир доирасида одам савдоси иллатларига қарши курашишда ҳамкорлик, ҳамжихатлик билан иш олиб бориш, ёшларни оғохликка қорлаш, уларнинг онгу тафаккурини теранлаштиришда бу каби тадбирларнинг аҳамиятини тўла-тўқис очиб бериш ва тушунтириш муҳимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

**Гулехра ДУРДИЕВА**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тузатиш  
**"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ**  
 "Тошкент окшоми" газетасининг 21.05.2019 йилдаги № 82 (13.929)-сонидан чоп этилган эълонига "Талабдор савдо қолиби бўлган тақдирда, аукцион савдоси натижасига асосан мулкнинг сотиб олиш қийматида 3 фоиз миқдорда пул маблағини қолиблик баённомаси имзоланган кундан бошлаб 5 банк кунини ичида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш мажбуриятини олади" жумласи билан тўлдирилсин.

**ОАВГА ДОИР МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан "ОАВ соҳасида миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида республика анжумани ўтказилди.**

Агентлик директори К.Алламжонов, директор ўринбосари С.Мирзиёева, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси И.Абдуллаев, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) филиалининг Ўзбекистондаги минтақавий идораси раҳбари П.Горюп, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ф.Пашаев ва соҳага тегишли бошқа ташкилотлар раҳбарлари, хорижий экспертлар анжуманда ўш маърузалари билан иштирок этди.

К.Алламжоновнинг қайд этишича, ҳозирги даврда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Афсуски, давлат ташкилотларида амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгаришлар ва янгиликлар ўш вақтида ёритилмаётган. Шунинг билан бирга, Агентлик томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ахборот хизматлари мақоми ва мавқеини ошириш бўйича Президент қарори лойиҳаси тайёрланди.

Мамлакатдаги ўзгаришлар ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка ва дунё жамиятига ҳолис, ишончли, тезкор ва тўларакли етказиб беришда давлат ахборот хизматларининг самарали фаолияти муҳим аҳамиятга эга экани, ўтган давр мобайнида халқаро рейтингларда мамлакатимизнинг сўз эркинлиги ва ОАВ фаолияти бўйича нуфузини яхшилаш борасида қўллаб-қувватлаш ишлари қилингани, турли хорижий веб-ресурслардан фойдаланиш имконияти яратилганлигига эътибор қаратилди.

– Нима учун матбуот амалда тўртинчи ҳокимият даражасига қўтарила олмапти, деган саволга кўп омишлар қатори вазирлик ва идоралар раҳбарларининг матбуот қотиби ёки ахборот хизматларига нисбатан эътиборсиз муносабатини асосий сабаб қилиб қўрсатиш мумкин, – деди Агентлик директори ўринбосари Саида Мирзиёева. – Мавжуд шароитларнинг етарли даражада эмаслиги сабабли, ахборот хизматлари фаолияти қониксарис аҳволда қолиб кетмақда. Ундан ортик республика даражасидаги ташкилотлар, қўлгина туман ва шаҳар ҳокимликларида ҳалигача ахборот хизмати фаолияти ташкил этилмаган. Қўллаб-қувватлаш ва ҳўжалик ташкилотлари веб-сайтлари, иқтисодий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ахборотлар етарли даражада эмас. Уларнинг веб-сайтларига кирувчиларнинг умумий сони 400 минг, Facebook иқтисодий тармоғидаги расмий саҳифаларига мурожаат қилувчилар сони 150 минг, Telegram тармоғида аъзолари 300 минг нафардан ошмайди. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллиондан ортик эканини ҳисобга олсак, юқоридаги кўрсаткичлардан ўзининг хулоса чиқаришнинг мумкин.

Шунингдек, тадбирда давлат органларининг ахборот сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ягона давлат ахборот сиёсати тўғрисида Концепцияни қабул қилиш зарурати тобора ошиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Шу боис, давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини тубдан такомиллаштириш ҳамда ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини қабул қилиш тақлифи илгари сурилмақда. Унда илк бор ахборот хизматларининг асосий вазифалари, ваколатлари, мажбуриятлари, матбуот қотибларининг ташкилотдаги ўрни ва мақоми, моддий-техник ва молиявий таъминоти, шарт-шароитлари, малака ошириш имкониятлари акс эттирилиб, ҳуқуқий кафолатланаётганлиги айтиб ўтилди.

**Инобат АХАТОВА, ЎЗА мухбири**

**ШУ ЮРТНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИМАН**

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар ИИББ, шаҳар прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳамкорлигида таҳсил олаётган ички ишлар профилактик ҳисобида турувчи воёга етмаганларни рўйхатдан чиқаришга қаратилган "Шу юртнинг содиқ фарзандиман!" лойиҳаси доирасида кўрик-танлов ва сўхбатлар ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилди.**

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, бўш вақтинчи мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболли учун масъулиятини ўш зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли рафиқи кенгайтириш, Ватанимиз тарққуётига ҳисса қўиш масъулиятини ҳис этишга ундаш мақсадли ташкил этилган мазкур лойиҳа барчада катта қизиқиш уюғотди.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш, эртанги кўнга бўлган ишонччини ошириш мақсадида ички ишлар профилактик ҳисобида турувчи воёга етмаганлар ўртасида "Жиноятчиликка қаршилик" шiori остида спектакль ижрочилири деб Ҳакамлар томонидан энг яхши спектакль ижрочилири деб Яшнобод туман ички ишлар профилактик ҳисобида турувчи ёшлардан иборат "Шунқорлар" жамоаси топилди. "Шунқорлар" жамоаси 1-ўринга лойик қўрилди. Спортга бўлган қизиқишларини ошириш, соғлом турмуш тарзини жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳар "Пахтакор" академиясида спорт мусобақалари ташкил этилди. Ёшлар ўртасида ўтказилган футбол мусобақасида 11 та жамоа шакллантирилиб, голибар аниқланди. Шунингдек, қизлар ўртасида "Қувақот" мусобақаси ташкил қилинди. Спорт мусобақаларида 110 нафар ёш иштирок эт



## “ПАХТАКОР” КЛУБИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТИРАДИ

**Миллионлар ўйини – футболни янада ривожлантириш, клубларни ҳақиқий маънода профессионал даражага кўтариш давр талаби.**

Агар футбол клубларидаги фаолият ўзгармаса, клуб ҳақиқий профессионал даражада ташкил этилмаса, халқаро миқёсдаги нуфузли турнирларда хусусан, ОЧЛда, китба биринчилиги, жаҳон чемпионати саралаш турнирларида жамоаларимиз, миллий ҳамда турли турдаги терма жамоаларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олмайди.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири “Пахтакор” хусусий клуб шариоатида фаолият юритаётгани барчага маълум. Бироқ, клуб муваффақиятли одимни халқаро миқёсда ҳам давом эттириши учун ҳали тинмай изланиши зарур эканлиги маълум. Мамлакатимизнинг энг иқтидорли чарм тўп усталарини, легионерларини ўз таркибига жалб қилганлигига қарамай

“Пахтакор” жорий йилги ОЧЛ турниридаги иштирокини гуруҳ bosқичидаёқ тўхтатишга мажбур бўлди. Аслини олганда клуб ҳомийлик ва ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш устида тинмай изланмоқда. Яқинда “Пахтакор” футбол клуби Ped Metal AG Amalco Group Company билан янги ҳамкорлик шартномасини тузди. Шу муносабат билан “Пахтакор” бош директори Дмитрий Адисман янги компания вакили Васа Радженович билан учрашди. Унда клубни ривожлантиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Учрашувда томонлар шунга келишиб олдиларки, ҳомийдан олинган маблағ клуб тузилмасини юксалтириш ва футбол академияси ривожлантиришига йўналтирилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## КИТОБ БИЗНИ БИРЛАШТИРАДИ

**Республикамизда китобнинг жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси ҚХВМТ ва ЁБИБ Тарбиявий ва психологик ишлар бўлими, Матбуот гуруҳи ва 6-9-Алоҳида батальони мутасадди раҳбарлари иштирокида 110-мактаб ўқувчилари ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини оширишга бағишланган тadbир ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди.

Учрашув давомида Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси ҚХВМТ ва ЁБИБ Тарбиявий ва психологик ишлар бўлими бошлиғи, подполковник А.Закиров ўқувчиларга Президентимиз томонидан ёшларга берилётган эътибор ва имтиёзлар, бугунги кунни долзарб жараёнида

ёшларни китобга бўлган қизиқиш ва меҳрини ошириш мақсадида амалга оширилётган хайрли ишларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси 6-Алоҳида батальони командири, подполковник О.Амиров ўзи мутолаа қилган китоблар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, китобнинг тарбиявий аҳамияти, мутолаа учун бўш вақтидан бир ярим кун ажратганлиги ва қисқа давр мобайнида китоб қаҳрамонлари, уларнинг ҳаёт йўли ўзгача аҳамият касб этганлигини таъкидлади.

Тadbир давомида ўқувчилар ўқиган китоблари, уларнинг қисқача мазмуни, Ватанимизнинг буюк алломалари, шоир ва саркардалари тўғрисида гапириб бердилар. Уларнинг сўзларини тинглаб туриб, ёшлар келажақда қоқилмай, ўзлари кўзлаган мақсадларга эриша олишлари намоён бўлди. Учрашув сўнггида эртамиз келажаги бўлган ёшларга турли хил адабиётлар совға қилинди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## КЎРГАЗМАДА ҲАЁТ АКСИ

**Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангтавирчи rassom Тўра Шомирзаевнинг 150 га яқин ижод намуналаридан ташкил топган шахсий кўргазмаси очилди.**

Тақдим этилган турли йилларда ишланган ижод намуналарида юртдошларимиз портретлари, турмуш тарзимиз, қишлоқ ҳаёти, маданиятимиздан лавҳалар, турли мавзудаги натюрмортлари, қадриятларимиз, ҳаёт фалсафаси, унинг завқли қирралари акс этган. Вернисажда rassomнинг “Тинчлик эл-

чиси”, “Чўпон”, “Садоқат”, “Тонгги нонушта”, “Фарҳод ва Ширин”, “Биз барчамиз инсонимиз”, “Пахтакорлар”, “Қишлоқ ҳаётидан”, “Бозорда”, “Яхшилик ва ёмонлик”, “Уйкудаги соҳибжамол” каби асарлари ўрин олган.

Т.Шомирзаев 1942 йил 15 майда Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани-

да таваллуд топган. Мактабдан сўнг П.Беньков номидаги Тошкент rassomлик билим юртида, Тошкент театр ва rassomлик институтида таҳсил олган. Бир қатор шахсий кўргазмаларини ўтказган.

Кўргазма жорий йилнинг 6 июнигача давом этди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТАБИЙ ГАЗДАН ФЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Ўзтрансгаз” АЖнинг Тошкент шаҳри бўйича газ таъминоти худудий филиали табиий газ учун нархларнинг 2019 йил 1 июндан ўзгариши ҳақида маълум қилади.

### ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР ВА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ НАРХЛАРИНИНГ 19-03-22-06-РУЗ-68-2018-сонли ПРЕЙСКУРАНТИ

№	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм, ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда)
<b>1. Табиий газ:</b>				
1.1.	Аҳолига коммунал-манший эҳтиёжлари учун, табиий газдан аҳолини таъминлаш учун фойдаланган идоравий ва муниципал уй-жой фондига, зорлик шахслар ётоқхоналарига ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ҳамда турар жойларни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун локал қозонхоналарга берилган табиий газ, газ ҳисоблагичи мавжуд бўлганда	ГОСТ 5542-2014	1 м³	350,0
1.2.	Газ ҳисоблагичи мавжуд бўлмаган аҳолига етказиб берилган газ:			
	– оватқат иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун	ГОСТ 5542-2014	1 м³	605,0
	– иситиш учун	ГОСТ 5542-2014	1 м³	350,0
1.2.1.	Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларида оватқат иситиш газ плиталари	ГОСТ 5542-2014	Бир яшовчидан 11,0 м³	6655,0
1.2.2.	Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларида оватқат иситиш газ плиталари	ГОСТ 5542-2014	Бир яшовчидан 15,0 м³	9075,0
1.2.3.	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйлари иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар	ГОСТ 5542-2014	Бир яшовчидан 15,0 м³	9680,0
1.2.4.	Иситиш газ ускуналари туриван катъин назар уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланиш учун ойига:	ГОСТ 5542-2014	Иситилган хонанинг 1 м³ учун	
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида		Хонанинг 1 м³ учун 6,0 м³	2100,0
	Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда		Хонанинг 1 м³ учун 5,76 м³	2016,0
1.2.5.	Дағал ва идиэмевали озукларни бутлаш ҳамда ичириш ва санитария максаллари учун сув иситишни ҳисобга олинган ҳолда хайвонларга озука тайёрлаш	ГОСТ 5542-2014	Бир бош: отга 5,6 м³ ситирга 23,7 м³ кўй (очка)га 2,2 м³ чўчкага 12,5 м³	3388,0 14338,5 1331,0 7562,5
1.3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сонли қарори билан тасдиқланган Рўйхатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва алоҳида хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар учун	ГОСТ 5542-2014	1 м³	1000,0
1.4.	Автомобилларга газ тўлдирин компрессор станциялари учун (жумладан ўз баллисида автомобиль газ тўлдирин компрессор станциялари мавжуд қоридх шахслар)	ГОСТ 5542-2014	1 м³	800,0
1.5.	Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун шунингдек, пиншан гинит, асфальт ва цемент ишлаб чиқарувчи, энергия захирагини самарали технологияга ускуналарини жорий этган, шунингдек, ёзги иситиш мукобил турларини (кўмирдан), шу жумладан, цемент ишлаб чиқаришнинг “курук усули”дан фойдаланувчи қорхоналар учун	ГОСТ 5542-2014	1 м³	650,0
2.	Аҳолининг манший эҳтиёжлари учун сотиладиган суюлтирилган газ:	ГОСТ 20448-90	1 кг	1200,0

### Изоҳлар:

1. Ушбу прејскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг ва тарифларининг бошқичма-бошқич ўзгариши тўғрисида”ги 2018 йил 1 ноябрдаги 897-сонли қарорига асосан белгиланган.

2. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб эксперимент тарихасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида куйидагилар жорий этилган:

2.1. аҳоли истеъмоли учун табиий газнинг базавий нормаси:

– иситиш мавсуми даврида якка тартибда иситиладиган уйлар ва квартираларда яшайдиган бир абонентга ойига 1000 куб.м;

– бошқа ҳолатларда бир абонентга ойига 250 куб.м;

2.2. аҳоли билан табиий газ учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш:

– базавий норма доирасида – белгиланган тариф бўйича;

– базавий нормадан ортган қисми учун – белгиланган тарифга 1,2 баравар ошириш коэффициентини қўллаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш Қоидалари”га асосан:

Истеъмолчи ой тугаганидан сўнг 10 кун мобайнида истеъмол қилинган газ ҳажми учун табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёки белгиланган меъёрлар асосида тўловни амалга оширади.

Кўрсатиб ўтилган муддатда истеъмол қилинган табиий газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня тўлайди.

4. Газ ҳисоблагич бўлмаганда коммунал-маиший эҳтиёжлар учун ишлатилган табиий газ тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрларини ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бир киши ҳисобига иситиладиган бино нормаси 43 куб метр ҳажмида белгиланади.

Иситиладиган бинонинг 43 куб метргачасини иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори учун – 1 киши ҳисобига белгиланган тариф бўйича, иситиладиган бинонинг 43 куб метрдан ортқ ҳажми учун 1,2-баравар миқдорда ҳақ тўланади.

Истеъмолчи (абонент)да иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки сув иситкич мавжуд бўлганда мазкур приборлар учун газ сарфи нормаси тегишли равишда икки баравар ва ундан кўп оширилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кам ёки кўп этиб белгиланган тақдирда истеъмолчилар (абонентлар) билан қайта ҳисоб-китоб қилинади.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг Тошкент шаҳри бўйича газ таъминоти худудий филиали



## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

**Бир нарсага эришсанг, ҳамма ўзини озми-кўпми дахлдор деб билади.**

**Гуноҳқор бўлиб қолсанг, ҳамма ўзини олиб қочади.**

\* \* \*

**Бировга ёмонлик қилма: айбинг бўлса, айбингни фош этади, айбинг бўлмаса тўхмат қилади.**

\* \* \*

**Бировнинг суҳбатини бўлиб қўйишдан ёмони йўқ.**

\* \* \*

**Машҳур кишининг хотини бўлиш фақат обрў-эътиборда яшаш дегани эмас – унинг ўзига яраша ранжу азоблари ҳам бор.**

\* \* \*

**Бахтни одамлар жуда жўн тушунишади.**

\* \* \*

**Кўп ўйлаган оз адашар.**

\* \* \*

**Кимнинг тилини тушунмайсан, кимнинг дилини.**

\* \* \*

**Ўзинг интилиб эришганинга етмайди.**

\* \* \*

**Ҳар қандай ишни ҳам то бошлаб олгунча.**

\* \* \*

**Бизни кутқарса ҳақиқат кутқаради, ёлғон эмас.**

\* \* \*

**Ноҳақлик қурбони бўлишдан ёмони йўқ.**

\* \* \*

**Норозиликни намоён қилиш йўллари кўп.**

\* \* \*

**Ўзи кўрқоқ бошқага қандай таскин берсин.**

\* \* \*

**Ҳамма нарсани биладиганлар кўпинча керакли нарсани билишмайди.**

\* \* \*

**Аламзадалик билан айрилган фикрни холис фикрдан фарқлаш керак.**

\* \* \*

**Ҳикмат бўлмаган нарса иллатдир.**

\* \* \*

**Инсон юздан тўқсон тўққиз ҳолатда ўз тақдири учун ўзи айбдор бўлади.**

\* \* \*

**Йиғи-сиғи билан муаммо ҳал бўлмайди.**

\* \* \*

**Умрини узайтириш ҳам, қисқартириш ҳам инсоннинг ўз қўлида.**

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 30 май кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи – 34-36 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифросланиш даражаси паст бўлади.

